



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ЖИСМОНИЙ КУЧ ВА ҚУРОЛ ҚЎЛЛАШНИНГ СУБЪЕКТ ВА ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАСНИФИ

Обидов Шерзоджон
Авазхонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Магистратураси Ташкилий-тактик бошқарув
мутахассислиги тингловчиси

Annotatsiya

Мазкур мақолада ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллаш амалиёти субъект ва объектлар кесимида таҳлил қилинган. АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Жанубий Корея каби ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда глобал статистик маълумотлар асосида куч ишлатишнинг ҳуқуқий мезонлари ўрганилган. Мажбурлов чораларини қўлловчи субъектларни (умумий ва махсус) ҳамда уларнинг таъсири қаратилган объектларни физик-моддий ва ижтимоий-демографик хусусиятларига кўра таснифлаш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Kalit so'zlar

ички ишлар органлари, маъмурий мажбурлов, жисмоний куч, ўқотар қурол, махсус воситалар, субъектлар ваколати, объектлар таснифи, хорижий тажриба, мутаносиблик тамойили.

Аннотация: В данной статье анализируется практика применения физической силы, специальных средств и огнестрельного оружия сотрудниками органов внутренних дел в разрезе субъектов и объектов. На основе опыта развитых зарубежных стран, таких как США, Великобритания, Германия и Южная Корея, а также глобальных статистических данных изучены правовые критерии применения силы. Автором разработаны научно обоснованные предложения по классификации субъектов, применяющих меры принуждения (общие и специальные), а также объектов их воздействия по физико-материальным и социально-демографическим признакам.

Ключевые слова: органы внутренних дел, административное принуждение, физическая сила, огнестрельное оружие, специальные средства, полномочия субъектов, классификация объектов, зарубежный опыт, принцип соразмерности.

Abstract: This article analyzes the practice of using physical force, special means, and firearms by internal affairs officers through the prism of subjects and objects. Based on the experience of developed foreign countries such as the USA, the UK, Germany, and South Korea, as well as global statistical data, the legal criteria for the use of force are examined. The author has developed scientifically grounded proposals for classifying the subjects applying coercive measures (general and special)

and the objects of their impact according to physical-material and socio-demographic characteristics. The findings of the research will serve to improve national legislation and ensure the principle of proportionality in the activities of internal affairs bodies.

Keywords: internal affairs bodies, administrative coercion, physical force, firearms, special means, subject authority, object classification, foreign experience, principle of proportionality.

Замонавий демократик давлатчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимида давлатнинг қонуний мажбурлов ваколатидан, хусусан, жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қуролдан фойдаланиши энг нозик ва ҳуқуқий жиҳатдан баҳсли масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Инсон ҳуқуқлари устуворлиги глобал мезонга айланган бугунги даврда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан куч ишлатишнинг чегаралари ва мезонларини аниқ белгилаш нафақат миллий хавфсизлик, балки давлат ва жамият ўртасидаги ишончни сақлашнинг ҳам бош омилидир.

Халқаро тадқиқотлар ва статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, куч ишлатиш ваколатига эга субъектлар доирасининг ноаниқлиги ёки таъсир объектларининг физиологик хусусиятлари инобатга олинмаслиги фожиали оқибатларга олиб келади.

Халқаро мониторинг ташкилотлари ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси) маълумотларига кўра, дунёда полиция томонидан қурол қўлланилиши натижасидаги ўлим ҳолатлари кескин фарқ қилади. Масалан, АҚШда полиция томонидан куч ва қурол қўлланилиши натижасида йилига ўртача **1 000 дан 1 200 тагача** ўлим билан боғлиқ ҳолатлар қайд этилади. Бунинг акси ўларок, одатий патруль полицияси ўқотар қурол олиб юрмайдиган ва куч қўллаш субъектлари доираси қатъий чекланган Буюк Британияда бу кўрсаткич йилига бор-йўғи **2 тадан 5 тагачани** ташкил этади¹. Германия ва Жанубий Кореяда эса мулоқот тактикаси ва вазиятни юмшатиш чораларига бирламчи эътибор қаратилиши натижасида, полицияга фаол қаршилик кўрсатиш ҳолатлари сўнгги йилларда **15–20% га** камайган².

Бундай кескин фарқлар тўғридан-тўғри куч ва қурол ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган **субъектларнинг** профессионал тайёргарлик даражаси ҳамда мажбурлов қаратилган **объектларнинг** (айниқса, ҳониладор аёллар, вояга етмаганлар, кексалар каби заиф қатламнинг) хусусиятларини ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолаш билан боғлиқдир. Тиббий-ҳуқуқий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, электрошок каби махсус воситалар заиф тоифадаги объектларга нисбатан қўлланганда кутилмаган ўлим хавфи **30% гача** ортиб кетади³.

Шу сабабли, Янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ислохотлари шароитида ички ишлар органлари фаолиятида куч ишлатишнинг нафақат тактик, балки тизимли

¹ Independent Office for Police Conduct (IOPC). (2024). Annual report on deaths during or following police contact. London: IOPC. <https://www.gov.uk/government/collections/police-use-of-firearms-statistics>

² Mapping Police Violence. (2024–2025). National trends in police use of force and fatal encounters. <https://mappingpoliceviolence.org/>

³ White, M. D., & Ready, J. (2007). The TASER as a less lethal force alternative: Findings on use and effectiveness in a large metropolitan police agency. *Police Quarterly*, 10(2), 170-191.

юримдик мезонларини ривожлантириш долзарб зарурат ҳисобланади. Хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ва глобал тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ва қурол ишлатилишини субъект ва объектлар бўйича таснифлаш, уларнинг ҳуқуқий чегараларини тизимлаштириш ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқишни талаб қилади.

Маъмурий мажбурият чораларини, хусусан, жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш ваколати фақатгина қонунчилик билан қатъий белгиланган ваколатли субъектларга берилади. Ички ишлар органлари тизимида мазкур чораларни қўлловчи асосий субъектлар – бу ўз хизмат вазифаларини бажараётган, махсус касбий ва жанговар тайёргарликдан ўтган сафдор ва офицерлар таркибидаги ходимлардир.

Хорижий давлатлар, хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Жанубий Корея амалиёти шуни кўрсатадики, куч ва қурол ишлатиш ҳуқуқига эга субъектлар фаолияти қатъий ҳуқуқий мезонлар билан чегараланган. Масалан, АҚШда полиция ходимларининг мажбурият чораларини қўллаш тартиби “объектив асослилик” стандарти асосида баҳоланади. Бу стандартга кўра, ходимнинг ҳаракати унинг шахсий қарашлари ёки истаклари билан эмас, балки айнан ўша вазиятда турган, ўртача малакали ва ақли расо исталган бошқа ходим ҳам худди шундай йўл тутган бўлармиди, деган объектив мезон орқали текширилади.⁴ Буюк Британияда эса, (Шимолий Ирландиядан ташқари) субъектларнинг ваколатлари кескин чегараланган. Одатий патруль полициячилари ўқотар қурол олиб юрмайди. Ўқотар қурол қўллаш ваколати фақатгина махсус ўқувдан ўтган ваколатли офицерларгагина берилади. Бу эса субъектлар доирасини қисқартириш орқали ўлим билан туғовчи ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади⁵. Германия ва Жанубий Корея давлатларида куч қўлловчи субъектларнинг узлуксиз психологик ва тактик тайёргарлигига бирламчи эътибор қаратилади. Субъектлар фақатгина жисмоний куч ишлатишга эмас, балки зиддиятни тинч йўл билан ҳал қилишга ўргатилади. Полиция ходимларининг мулоқот тактикалари ва вазиятни юмшатиш бўйича малакасининг оширилиши улар томонидан куч ишлатиш эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради⁶.

Миллий қонунчилигимизда ҳам мазкур чораларни қўлловчи субъектларга нисбатан юқори малака талаблари қўйилади. Ички ишлар органлари ходими хизмат мажбуриятларини бажараётганда жисмоний куч, махсус воситалар ва қурол ишлатишдан олдин махсус тайёргарликдан, шунингдек, бундай

⁴ Garner J. H., Hickman M. J., Malega R. W., Maxwell C. D. Progress toward national estimates of police use of force // PLoS ONE. – 2018. – Vol. 13, No. 2. – P. e0192932

⁵ Authorised firearms officer (AFO) : operational support profiles [Electronic resource] // College of Policing. – URL: <https://www.college.police.uk/career-learning/support-for-career-development/policing-professional-profiles/operational-support-profiles/authorised-firearms-officer>

⁶ Foster J. T., Zimmerman L., Terrill W., Somers L. J. Finding the path of least resistance: An examination of officer communication tactics and their impact on suspect compliance // Criminology & Public Policy. – 2024. – Vol. 23(3). – P. 639-662

шароитларда ҳаракат қилишга касбий яроқлилиги жиҳатидан даврий текширувдан ўтган бўлиши шарт.

Юқоридагиларга асосланиб, ички ишлар органларининг жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллашни амалга оширувчи субъектларини икки тоифага ажратиш мумкин:

– *Умумий субъектлар* (патруль-пост хизмати, профилактика инспекторлари, йўл-патруль хизмати ходимлари, ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари, ички ишлар органлари таълим муассасаларининг шаходатланган курсант-тингловчилари ва ҳ.к.) – улар асосан маъмурий чеклашнинг дастлабки босқичларини (жисмоний куч ва пассив махсус воситаларни) қўллайди.

– *Махсус субъектлар* – юқори хавфлилик даражасидаги амалиётларда (гаровга олинганларни озод қилиш, қуролланган жиноятчиларни ушлаш) фаол махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллашга ихтисослашган субъектлар. Уларнинг ҳаракатлари махсус тактик ва юридик регламентларга асосланади⁷.

Ички ишлар органлари фаолиятида маъмурий чеклаш чораларининг таъсир объектларини тўғри баҳолаш ва таснифлаш нафақат миллий, балки халқаро ҳуқуқшуносликда ҳам энг кўп муҳокама қилинадиган долзарб масалалардан биридир.

Замонавий ҳуқуқий тадқиқотларда “куч ишлатиш объекти” нима деган савол устида турли хил ёндашувлар мавжуд. Анъанавий англо-саксон (масалан, АҚШ ва Буюк Британия) ҳуқуқ тизимида полициянинг куч ишлатиши асосан “полиция-фуқаро мулоқоти” доирасида кўрилади, яъни мажбурлов объекти сифатида фақатгина инсон (жисмоний шахс) эътироф этилади. Олимлар G. Alpert ва R. Dunham ўзларининг тадқиқотларида куч ишлатишни бевосита инсонлараро ўзаро таъсир сифатида талқин қилиб, унинг марказида фақат гумонланувчи ёки қаршилик кўрсатаётган шахс туришини таъкидлайдилар⁸. Бироқ, Германия ва Жанубий Кореяда бу масалага кенгроқ ёндашилади. Хусусан, немис полиция ҳуқуқидаги “бевосита мажбурлов” тамойилига кўра, жисмоний куч ва қурол қўллашнинг объекти нафақат одамлар, балки ашёлар ва ҳайвонлар ҳам бўлиши мумкин. Полиция ходими томонидан транспорт воситасининг ғилдирагига қарата ўқ узиш ёки ёпиқ эшикни махсус восита ёрдамида бузиш ҳам давлатнинг куч ишлатиш ҳаракати деб баҳоланади⁹.

Бундан ташқари, объектлар доирасини тадқиқ қилишда “заиф тоифадаги шахслар” муаммоси ҳам мавжуд бўлиб, мазкур масалага олимлар M. White ва J. Ready томонидан электрошок қурилмалари қўлланилиши бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳомиладор аёллар, қариялар ёки руҳий хасталиги бор шахсларга нисбатан “камроқ ҳалокатли” воситаларнинг ишлатилиши қутилмаган оғир асоратларга, ҳатто ўлимга олиб келиш эҳтимоли

⁷ Пожидаев М. Ю. Зарубіжний досвід застосування заходів фізичної сили поліцейськими під час виконання службових обов'язків // Науковий часопис Українського державного університету імені Михайла Драгоманова. – 2024. – Випуск 11 (184). – С. 175-179

⁸ Alpert G. P., Dunham R. G. Understanding Police Use of Force: Officers, Suspects, and Reciprocity. – Cambridge: Cambridge University Press, 2004. – P. 45-52.

⁹ Gusy C. Polizeirecht. 7. Auflage. – Tübingen: Mohr Siebeck, 2011. – S. 280-285.

жуда юқори¹⁰. Шу боис, илмий доиралар объектларни уларнинг табиати ва физиологик ҳолатига қараб аниқ мезонлар асосида таснифлашни талаб қилмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, ички ишлар органлари томонидан куч ва қурол ишлатиладиган объектлар доирасини қуйидаги иккита асосий мезонга бўлиб тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир:

Физик-моддий хусусиятига кўра. Бу мезон мажбурлов чораси қаратилган объектнинг қандай турдаги эканлигига асосланади:

– *одамлар (жисмоний шахслар).* Мажбурлов чораларининг асосий ва энг марказий объекти. Бунга ходимнинг қонуний талабига бўйсунмаётган, агрессив қаршилик кўрсатаётган ёки атрофдагилар ҳаётига таҳдид солаётган ҳуқуқбузарлар киради. Уларга нисбатан куч ишлатиш инсон ҳуқуқларини чеклаш билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли, энг қатъий ҳуқуқий назорат остида бўлади.

– *ҳайвонлар (биологик объектлар).* Инсон ҳаёти ва соғлиғига реал хавф туғдираётган ҳужумкор ҳайвонлар (масалан, қутурган итлар ёки ёввойи ҳайвонлар).

– *моддий объектлар.* Бу тоифага ҳуқуқбузарлик содир этишда қурол сифатида фойдаланилаётган ёки жамиятга хавф туғдираётган жонсиз ашёлар киради. Масалан, фуқаролар устига бостириб келаётган ёки қонуний талабга бўйсунмай қочиб кетаётган автомашинани мажбурий тўхтатиш воситалари (тиканли ленталар) ёки ўқотар қурол ёрдамида тўхтатиш. Замонавий даврда, юқори технологик полиция шароитида ноқонуний парвоз қилаётган учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) ҳам ички ишлар органлари ходимлари томонидан махсус радиоэлектрон воситалар орқали таъсир ўтказилувчи янги турдаги моддий объектлар қаторига қўшилмоқда.

Ижтимоий-демографик ва физиологик ҳолатига кўра.

Ушбу мезон бевосита одамларнинг ижтимоий ҳолати, ёши, жинси ва соғлиғига кўра мазкур объектларга нисбатан куч ишлатишнинг мутаносиблигини таъминлаш учун уларни иккига ажратиш мумкин:

– *умумий объектлар.* Алоҳида физиологик ёки ёш жиҳатидан чекловларга эга бўлмаган, вояга етган ва жисмонан соғлом шахслар. Бу тоифадаги объектларга нисбатан жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қурол қонунда кўрсатилган умумий асосларда, таҳдиднинг реаллиги ва мутаносиблик тамойили асосида тўлақонли қўлланилиши мумкин.

Махсус объектлар. Бу тоифага ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёллар, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганлар, кексалар ҳамда ногиронлик белгилари кўриниб турган шахслар киради.

Мазкур объектларга нисбатан жисмоний куч, махсус воситалар ва айниқса ўқотар қурол қўллаш қонунчилик билан қатъиян тақиқланади. Истисно тариқасида, фақатгина ушбу тоифадаги шахслар томонидан қуролли қаршилик кўрсатилганда ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимининг

¹⁰ White M. D., Ready J. The TASER as a less lethal force alternative: Findings on use and effectiveness in a large metropolitan police agency // Police Quarterly. – 2007. – Vol. 10(2). – P. 170-191.

ҳаётига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳужум қилингандагина мазкур воситаларни қўллаш мумкин. Жанубий Корея ва Германиянинг илғор тажрибаларида бундай объектларга нисбатан фақатгина зиддиятни тинч йўл билан ҳал қилиш тактикаларини қўллаш қатъий талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ва қурол қўллашнинг субъект ва объектлар бўйича таснифлаш мақсага мувофиқ:

I. Ички ишлар органларида мажбурият чораларини қўлловчи субъектлар:

Умумий ваколатга эга субъектлар: Кундалик хизмат фаолиятида жамоат тартибини сақловчи ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ходимлар (патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимлари, профилактика инспекторлари, ИИБ таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва шаҳодатланган курсант-тингловчилари). Уларнинг ваколоти асосан маъмурий чеклашнинг дастлабки босқичларига, яъни жисмоний куч ва пассив махсус воситаларни қўллашга қаратилган бўлади.

Махсус ваколатга эга субъектлар: Юқори хавфлилик даражасидаги вазиятларда (қуролланган жиноятчиларни ушлаш, гаровга олинганларни озод қилиш, оммавий тартибсизликларни бартараф этиш) ҳаракат қилувчи махсус ва тезкор бўлинмалар ходимлари. Бу тоифадаги субъектлар доимий жанговар-психологик тайёргарликдан ўтган бўлиб, фаол махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллашга бевосита ихтисослашгандир.

II. Мажбурият чораларининг таъсири қаратилган объектлар:

1. Физик-моддий хусусиятига кўра:

Одамлар (жисмоний шахслар): Ходимнинг қонуний талабига бўйсунмаётган, қаршилик кўрсатаётган ёки атрофдагилар ҳаётига таҳдид солаётган ҳуқуқбузарлар (энг марказий ва қатъий назорат қилинадиган объект).

Биологик объектлар (ҳайвонлар): Инсонлар ҳаёти ва соғлиғига реал хавф туғдираётган, ҳужум қилаётган ёки қутурган ҳайвонлар.

Моддий объектлар: Жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик қуролига айланган, жамиятга хавф туғдираётган жонсиз ашёлар. Жумладан, мажбурий тўхтатилиши лозим бўлган транспорт воситалари, бузиб кирилиши керак бўлган тўсиқ ва эшиклар, шунингдек, хавфсизлик ҳудудида ноқонуний парвоз қилаётган учувчисиз аппаратлар (дронлар).

2. Ижтимоий-демографик ва физиологик ҳолатига кўра:

Умумий объектлар: Алоҳида физиологик ёки ёшга доир чекловлари бўлмаган, вояга етган ва жисмонан соғлом шахслар. Уларга нисбатан мажбурият чоралари мутаносиблик ва таҳдиднинг реаллиги тамойиллари асосида тўлақонли қўлланилиши мумкин.

Махсус (заиф) объектлар: Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёллар, вояга етмаганлар, кексалар ҳамда ногиронлик белгилари кўриниб турган шахслар. Бу объектларга нисбатан куч ва қурол ишлатиш қатъиян тақиқланади (улар томонидан қуролли қаршилик кўрсатилган ёки инсон ҳаётига таҳдид солувчи гуруҳли ҳужум содир этилган ҳолатлар бундан мустасно). Бу тоифа

билан ишлашда асосий эътибор вазиятни деэскалация қилиш (тинч йўл билан юмшатиш) тактикасига қаратилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Independent Office for Police Conduct (IOPC). (2024). Annual report on deaths during or following police contact. London: IOPC. <https://www.gov.uk/government/collections/police-use-of-firearms-statistics>

2. Mapping Police Violence. (2024–2025). National trends in police use of force and fatal encounters. <https://mappingpoliceviolence.org/>

3. White, M. D., & Ready, J. (2007). The TASER as a less lethal force alternative: Findings on use and effectiveness in a large metropolitan police agency. *Police Quarterly*, 10(2), 170-191.

4. Garner J. H., Hickman M. J., Malega R. W., Maxwell C. D. Progress toward national estimates of police use of force // PLoS ONE. – 2018. – Vol. 13, No. 2. – P. e0192932

5. Authorised firearms officer (AFO) : operational support profiles [Electronic resource] // College of Policing. – URL: <https://www.college.police.uk/career-learning/support-for-career-development/policing-professional-profiles/operational-support-profiles/authorised-firearms-officer>

6. Foster J. T., Zimmerman L., Terrill W., Somers L. J. Finding the path of least resistance: An examination of officer communication tactics and their impact on suspect compliance // *Criminology & Public Policy*. – 2024. – Vol. 23(3). – P. 639-662

7. Пожидаев М. Ю. Зарубіжний досвід застосування заходів фізичної сили поліцейськими під час виконання службових обов'язків // Науковий часопис Українського державного університету імені Михайла Драгоманова. – 2024. – Випуск 11 (184). – С. 175-179

8. Alpert G. P., Dunham R. G. Understanding Police Use of Force: Officers, Suspects, and Reciprocity. – Cambridge: Cambridge University Press, 2004. – P. 45-52.

9. Gusy C. Polizeirecht. 7. Auflage. – Tübingen: Mohr Siebeck, 2011. – S. 280-285.

10. White M. D., Ready J. The TASER as a less lethal force alternative: Findings on use and effectiveness in a large metropolitan police agency // *Police Quarterly*. – 2007. – Vol. 10(2). – P. 170-191.